

КУН МАВЗУЛАРИ

Кичик Трампа тўйдан кейин зиёфат "совға қилган" Умар Кремлёв ким?

Озодлик

Sentabr 16, 2026



Россия президенти Владимир Путин (чапда) ва Халқаро бокс ассоциацияси (IBA) президенти Умар Кремлёв Москванинг Лужники спорт саройида очилган Халқаро бокс марказини кўздан кечирмоқда, 2022 йил 10 сентябрь куни. (АРХИВ)

Кремлга яқин таниқли россиялик тадбиркор, асли тожикистонлик Умар Кремлёвнинг АҚШ Президенти Дональд Трамп ўғли - кичик Дональд Трамп (Donald Trump Jr.) билан алоқалари матбуотда баҳс бўлмоқда.

ProPublica суриштирув маркази ва The New York Times нашрларининг ёзишича, кичик Трамп ўтган йили сентябрда Халқаро Бокс Ассоциациясининг Истанбулда

уюштирган тадбири меҳмони бўлган.

Суриштирувлар, Кремлёв кичик Трампнинг бу тадбирдан 8 ой кейин АҚШда ўтган тўйидан кейинги зиёфат харажатини тўлаб берганини ўртага чиқарди. Президент Трамп ва ўғли буни тасдиқлади ҳамда шунчаки "тўй совғаси" эди дея изоҳлади.

Озодлик Facebook



Озодлик Telegram



Озодлик Instagram



| Истанбулдаги тадбир

Ўтган йилнинг сентябрида Халқаро Бокс Ассоциацияси Истанбулда ташкил этган тадбирга ўнлаб бизнесмен ва спорт раҳбари йиғилди.

Тадбир мезбони бўлган ассоциация президенти, Кремлга алоқадор тадбиркор Умар Кремлёв саҳнада туриб, *“бизнесни қадриятлар билан, боксни адолат ва меросни эса инновация билан уйғунлаштирувчи”* янги ташаббусни эълон қилди.

Унинг саҳнадаги меҳмони АҚШ Президенти Дональд Трампнинг катта ўғли - кичик Дональд Трамп (Donald Trump Jr.) бўлди.

Бу тадбирдан тарқалган видеоларда кичик Трампнинг ўтган йил Ёзги Олимпия ўйинларида икки аёл боксчи иштироки билан боғлиқ баҳс-мунозарага тўхталгани ва бу жараёнда Кремлёв ҳаракатини мақтагани кўринади:

“Гап фақат бокс ҳақида эмас. Гап - ҳаёт сабоқлари, интизом, ҳалоллик ва имконият ҳақида. Бизга керак бўлган мерос ҳам шу. Мен Умарни нафақат етакчи, балки дўстим, деб аташдан фахрланаман”, дейди видеоёзвларда кичик Трамп.

Истанбулдаги тадбирдан олинган видеоларда кичик Трампга ҳамроҳлик қилган, ҳозирда рафиқаси - америкалик банк раҳбарининг қизи Беттина Андерсон ҳам кўринади.

Саккиз ойдан кейин улар Флоридада турмуш қуришди. Кейин эса Багама оролларидаги хусусий оролда бир неча кунлик тантаналар бўлиб ўтди.

Аввалига [ProPublica](#) суриштирув маркази, кейинроқ New York Times нашрларининг ёзишича, ўша тантаналар харажатини Кремлёв қоплаган.

| Тўйдан кейинги зиёфат

ProPublica суриштируви эълон қилганидан кўп ўтмай тарқатган баёнотида кичик Трамп ва Беттина бу хабарларни тасдиқлади ҳамда буни дўстнинг совғаси сифатида оқлади:

“Қадрли дўстимиз Умар тўйимиздан КЕЙИН биз учун икки ажойиб кечани жуда сахий тарзда ташкил қилди”, дейилади Instagram'да чоп этилган баёнотда. "Бу дўст томонидан берилган ниҳоятда сахий тўй совғаси эди ва биз бундан жуда миннатдормиз”.

Баёнотда яна шундай дейилади:

“Бирининг ким экани ёки қаердан келганини сабаб қилиб, шахсий ва бахтли воқеанинг - сиёсий ёки ёмон мақсаддаги ҳаракат сифатида кўрсатилиши ачинарлидир. Дўстлик учун сиёсий сабаб шарт эмас. Саховат ҳамиша қандайдир мақсадни англамайди. Баъзан тўй совғаси шунчаки тўй совғаси бўлади”.

Аммо, Ғарб нашрларида чоп этилган мақолаларда Кремлёвнинг Владимир Путин билан яқин алоқалари, узоқ йиллар давомида муаммо ва можаролар гирдобига қолган бокс федерациясига раҳбарлиги ҳамда уюшган жиноятчилик олами билан муносабатлари ҳақидаги маълумотлар ҳам тилга олинди.

Бу эса жамоатчилик эътиборини тортди, хусусан АҚШда айна масалани Конгресс эътиборига олиб чиқиш ташаббуслари янгради.

The Times нашрига Оқ уй тақдим қилган баёнотда президент Трамп "бу унақа катта масала эмас" деди:

“Умарнинг кимлигини билмайман, у ҳақда ҳеч қачон эшитмаганман ва у Дон ҳамда Беттинанинг тўйи учун пул тўламаган. Тўй бошқа жойда ва бошқа кунда бўлиб ўтган”.

“Бу уларнинг шарафига ташкил этилган "тўйдан кейинги зиёфат" эди. Бу унақа катта масала эмас!”

| Лутфуллоевдан Кремлёвгача

Бугун кичик Трамп номи билан бирга Ғарб матбуотида тилга олинган Кремлёв, Россия ва қисман Марказий Осиёда йиллардан буён баҳс шахслардан бири бўлиб қолмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, Кремлёв 1982 йилда Москва жанубидаги Серпухов шаҳрида Умар Лутфуллоев номи билан туғилган.

Унинг отаси Назар Лутфуллоев тожикистонлик бўлиб, маълумотларга кўра, Умар ёшлигида оиласини тарк этган ва бир неча йил ичида вафот этган. Онасининг шахси ҳақида аниқ маълумот топилмайди.

Кремлёв оммавий чиқишларида ўсмирлик йилларида бокс билан шуғуллангани, аммо ҳеч қачон профессионал боксчи бўлмаганини айтади.

2000-йиллар ўрталарида у камида икки марта жиноий жавобгарликка тортилган: бир марта товламачилик, яна бир марта тан жароҳати етказиш бўйича.

Россия оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра, 2010 йилга келиб Лутфуллоев фамилиясини Кремлни эслатувчи ва русча янграйдиган Кремлёв фамилиясига ўзгартирган ҳамда бокс промоутери сифатида фаолият бошлаган.

Рус нашрларига кўра, шу даврларда Кремлёв Путиннинг шахсий қўллаб-қувватлови ва эҳтимол давлат маблағларига эга бўлган миллатпарвар мотоклуб “Тунги бўрилар” (Night Wolves) йиғилишларида ҳам иштирок эта бошлаган.

Кремлёв шунингдек, Федерал Қўриқлаш хизматининг юқори лавозимларида ишлаган Алексей Рубежний билан ҳам яқинлашган. Бу идора Путин ва бошқа юқори мартабали амалдорларни муҳофаза қилиш билан шуғулланади. Рубежний 2016 йилда агентлик раҳбари этиб тайинланган.

| Халқаро боксда жанжалларга бой раҳбарлик

Рубежний Россия бокс федерацияси кузатув кенгашига ҳам раҳбарлик қилган. Кейинчалик унинг синглиси Кремлёвга турмушга чиққан, деб хабар беради [Proekt тадқиқот нашри](#).

2017 йилда Кремлёв Россия бокс федерацияси раҳбари бўлди.

Уч йил ўтиб, у Халқаро бокс ассоциацияси (IBA) президенти этиб сайланди ва бу лавозимда ўзбекистонлик бизнесмен Ғафур Раҳимовнинг ўрнини эгаллади.

АҚШ расмийлари Раҳимовни халқаро героин савдоси билан боғлиқ йирик жиноятчилардан бири, деб атаган. Раҳимов эса бу айбловларни доим рад этиб келган.

Кремлёв ассоциацияга президентликни бошлаши билан бир вақтда ташкилотнинг йирик молиявий ҳомийси ҳам пайдо бўлди. Бу Кремль сиёсати билан боғланган давлат газ гиганти - Газпром эди.

Кремлёв раҳбарлиги даврида Россия бокс федерацияси Халқаро олимпия қўмитаси билан бошқарув, молия ва ҳакамлик масалалари бўйича узоқ давом этган шубҳалар сабабли очик қарама-қаршиликка ҳам киришди.

Кремлёвнинг ўзи инглизча субтитрлар билан чиққан, ҳақоратли ибораларга бой видеоларни эълон қилиб, Халқаро олимпия қўмитаси ва унинг ўша пайтдаги раҳбари Томас Бахни кескин танқид қилди.

2023 йил - Париж олимпиадасига бир йил қолганида Халқаро олимпия қўмитаси IBA ташкилотини расман тан олишни бекор қилди. Бу қўмитанинг жаҳон даражасидаги йирик спорт ташкилотига нисбатан илгари кузатилмаган қарори бўлди.

Шу билан бирга, IBA 2028 йил Лос-Анжелес Олимпиадасида бокс мусобақаларини ташкил қилиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинди.

Суриштирувларга кўра, 2024 йилда Кремлёв Россиянинг энг йирик автодилерлик гуруҳи бўлган Rolf компаниясини ўз назоратига олган. Асосчиси Сергей Петров мамлакатни тарк этганидан кейин компания мусодара қилинган эди.

Proekt маълумотларига кўра, компанияни давлат ихтиёрига ўтказиш ва кейин Кремлёвга бериш ҳақидаги қарорни айнан Рубежный қабул қилган.

Суриштирувларга кўра, Кремлёв фаолиятини бошқа соҳаларда ҳам кенгайтирган. Улар қаторида озиқ-овқатга биологик фаол қўшимчалар ва автомобилларни қайта тиклаш соҳалари бор.

Kommersant нашри маълумотларига кўра, у Россиянинг Liga Stavok ва Fonbet букмекерлик компанияларида ҳам йирик улушларга эга.

Кремлёвнинг Россия бизнес доираларидаги юксалиши Путиннинг ҳам эътиборини тортган.

Апрель ўрталарида, Трамп кичикнинг тўйида қатнашишидан бир неча ҳафта олдин, Кремлёв Кремлда бўлиб ўтган маросимда иштирок этди ва бошқа спортчилар ҳамда спорт раҳбарлари билан биргаликда “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Ушбу мукофотни унинг кўкрагига шахсан Путин тақиб қўйди.

Орадан бир неча ҳафта ўтиб, у Россия бизнес делегацияси таркибида Хитойга сафар қилди ва Путин билан биргаликда Хитой амалдорлари иштирокидаги юқори даражадаги учрашувларда қатнашди.

Отасининг ватани бўлган Тожикистонда ҳам Кремлёв қариндошлари билан яқин муносабатларни сақлаб қолган ва маҳаллий хайрия ишларида иштирок этган.

Ўтган йили Москвадаги мактабда содир бўлган пичоқли ҳужумда тожикистонлик ўсмир ҳалок бўлганидан сўнг, Кремлёв боланинг онаси учун Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида квартира сотиб бергани хабар қилинган эди.



Озодлик

- ozodlikmail@gmail.com
- uzbek@rferl.org
- WhatsApp / Telegram / Signal
- +420724740755 | +420602612713